

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

“13” 09 2024 йил 13-а/11 -сон (шартнома тузилган жой) \_\_\_\_\_

Низом асосида фаолият юритувчи Дорожн Виседей  
селекциясе кафеде жасалар (Истеъмолчи номи) \_\_\_\_\_

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари \_\_\_\_\_ бир  
томондан ҳамда Низом ва 2020 йил “ 23 ” июнда берилган 01-19-33/3099-сонли  
ишончнома асосида фаолият юритувчи “Хулудгаз Хоразм” газ газминоги филиали  
(кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади), раҳбари Ш.Қ.Сабиоров иккинчи  
томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу  
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини  
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ  
куруилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан  
фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга  
(ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эhtiжни  
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол  
қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2024 йилда  
12180 куб.м, нархи 1199800 минг сўмини ташкил қилади, жумладан  
чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>18,18</u> минг куб.м,	январь	<u>6,060</u> февраль	<u>6,060</u> март	<u>6,060</u>
II чорак	<u>—</u> минг куб.м,	апрель	<u>—</u> май	<u>—</u> июнь	<u>—</u>
III чорак	<u>—</u> минг куб.м,	июль	<u>—</u> август	<u>—</u> сентябрь	<u>—</u>
IV чорак	<u>—</u> минг куб.м,	октябрь	<u>—</u> ноябрь	<u>—</u> декабрь	<u>—</u>

